

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 109 (7.102). Sotuvda erkin narxda

## BUGUNGI SONDA:

Фан ва амалиёт ҳамкорлиги

(4-саҳифада)



Фермер ҳуқуқини биладими?

(3-саҳифада)

Нафсим менинг балодир...

(2-саҳифада)

### ОЛТИН КУЗ:

# Диққинафас уйда ётмоқ пайтмас



Жаннатмонанд юртимизга олтин куз ташриф бурди. Қишлоқ меҳнатқашларининг яна ҳам тигиз, шохшин дамлари бошланди. Оташнафас шоиримиз айтганидек, бу кунлар диққинафас уйда ётмади...

фарзанди эканингиздан фахр-ифтихор хиссини туясиз вужуд-вужудингизда. Қалбингиз ғурурга, сурурга тўлади. Ўзбекистон заминидан бу фасл чиндан-да оламдаги ҳеч бир бойликка қиёслаб бўлмайдиган кўни-кўнжи тўла, бебаҳо, ўз номи билан олтин куз.

Кўзни кўрган, кўзли деҳқонларнинг айтишларича, бу йил пахтазорларимизда мўлжалдаги ҳосил етиштирилган. Ва пахта ҳар илгидан эртарақ етилган. Бу бежиз эмас. Об-ҳаво нисбатан иссиқ келган, сув тақчиллиги анчайин сезилган жорий йилда омилкор деҳқонларимиз кўп йиллик, бой тажрибаларини қўллаб, техникадан оқилона фойдаланиб, ғўзани кўпроқ маҳаллий ўғит билан шарбат усулида сугориб, мўл, эртаги ҳосил етиштиришга эришдилар. Қолаверса, қишлоқ ҳўжали-

### Нигоҳ

Бугун йил бўйи қилинган ана шу катта меҳнатимиз маҳсули — пахтаимиз пишиб етилди. Айниқса, вақтида сифатли дефоляция қилинган майдонларда ҳосил теримга мунтазир. Уни ёгин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олиш, бирор чаногини қўймай эл хирмонига топшириш ҳар бир ўзбекининг, ўзини шу юртининг фуқаросиман, ўзбекистонликман, деган ҳар бир ҳамюртимизнинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Пахта йиғим-терими кўпнинг иши. Елпасига сафарбарликни, уюшқокликни, фидойиликни талаб этадиган иш. Барчанинг иши.

Маълум бўлишича, бу йил пахтанинг ҳарид нархи, ҳар килограмми терилган пахтага тўланадиган иш ҳақи миқдори ўтган йилдагидан анча оширилган. Давлат томонидан йиғим-терим учун жуда катта миқдорда маблағ ажратилган. Теримчиларга меҳнат ҳақларини ҳар беш кунда бериб борилиши қатъий қилиб қўйилган. Бу демак, теримчилар, қишлоқ чиккан қишлоқ, маҳалла аҳли мавсум мобайнида жуда катта манфаатдор бўлади. Бу куз, бу мавсум ҳар бир оилага тўқинлик, кутбаракча олиб киради.

Куз қайноқ меҳнат фасли. Бугун ғаллакор деҳқонларимиз масъулияти ҳам пахтакорларимизникидан кам эмас.

Ўзбекистон Истиқлол йилларида ғалла мустақиллигини қўлга киритди. Ўзининг беминнат донига ва нонига эга бўлди. Эндиликда бу ютуқларни мустаҳкамлаш, дастурхонларимиз янада тўқин-сочин бўлиши учун айни кунларда кузги ғалла экишга уюшқоклик билан киришиб, бу ишни қисқа фурсатларда, сифатли янгилаш, бугунги мақсадларини бир текис ундириб олиш чора-тадбирлари қўрилипти. Деҳқонларимиз ғалла қанчалик эрта экилиб, эрта ундириб олинса, қишга буй тортиб, тўлаб кирса, ҳосилдорлик шунчалик яхши бўлишини ўз тажрибаларидан ўтказишган.

Бу мавсумда ҳам шунга ҳаракат қилинапти. Ҳаракатда баракат, демокчи ғаллакорларимизнинг шу кунлардаги сидқидил меҳнати, албатта, ўз натижасини беражак.

Айни пайтда саховатли боғларимизда пишиб етилган мева-чеваларни, полиз, сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида йиғиштириб, саранжомлаб олиш, бозордан, рўзгоримиздан органикни қиш учун жамғариб қўйиш ҳам зарур юмушларимиздан.

Хуллас, олтин куз, тўқинчилик, пишиқчилик фасли ҳар биримиздан ҳисоб сўрайди.

Куз - орзу ҳавасларимиз ушаладиган фасл. Ҳар соҳада тўлган ҳосилимизни йиғиб-териб олиш фасли. Тўй фасли, шод-хуррамлик фасли. Халқимиз азалдан бу фаслни, пахта мавсумини орақиб, интиқлик билан кутишлари ҳам шундан.

Куз - хушхабарлар фасли. Хирмонларимиз тўлиб-тошиб, режадаги ҳосилни эл хирмонига топшириб, юзимиз ёруғ бўлган кунлари юртимизда қарнай-сурнай овозлари янграб, тўй-тантаналар, ҳосил байрамлари бошланиб кетади.


Тилагимиз, кузимиз қўр-қутли, баракотли келсин. Хирмонга барака, азизлар!

Юргил, далаларга кетайлик, дўстим, Диққинафас уйда ётмоқ пайтмас. Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун, Бир пари фаслнинг оғушида маст.

Абдулла ОРИПОВ

гда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларимиз самараси ўлароқ ер ўзининг ҳақиқий эгаси, соҳиби қўлга ўтгани ҳам муваффақиятларнинг асосий омил бўлиб хизмат қилди. Бугун пахта етиштираётган фермер, деҳқон қанчалик мўл ҳосил етиштириб, юқори навларга топширса, шунчалик даромади ошиб турмуши фаровон бўлишини яхши билади. Қолаверса, давлатимиз томонидан мустақиллик қалдирғочлари бўлган фермерларга, уларнинг экин-эркин меҳнат қишлоқларида барча имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Кеча фермер техника, ўғит, ёнглик ёки маблағ деб қандайдир идора остонасида, қайсидир раҳбар ҳузурида навбатли келишини кўтиб ўтирган бўлса, бугун уша мансабдорнинг ўзи далага, фермернинг ҳузурига борапти. "Бизга нима хизмат?" деяпти. Фермернинг оғзидан чиққанини муҳайё этапти. Фермер жаноблари ҳам шунга яраша меҳнат қилапти. Пахтачиликда ҳар бир арготехник тадбирини ўз вақтида, бекаму кўст амалга оширишга, мўл, эртаги, сифатли, таннархи арзон пахта етиштиришга, ўзи юқори навларга сотиб, шу орқали ўзини ҳам, жамиятни ҳам бойитишга ҳаракат қилапти.

### 2006 йил — “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”



Шифокорнинг ширин сўзи ҳам, унинг мулоим чехраси ҳам беморга таскин беради, дилига хотиржамлик бахш этади. Гурлан тумани Марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Саида Тангриберганава ўзининг ана шундай самимиюти билан ҳам кўпчиликнинг ҳурмати-ни қозонган.

СУРАТДА: Саида Тангриберганава. Шавкат СОБИРОВ олган сурат.

### Коичиро МАЦУУРА: Маъмун академияси кутганимдан ҳам зиёда экан

ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура 7-10 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Сафар асносида ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашиб, вазирлик ва идораларда, олий ўқув юртиларида музокаралар ўтказди, қадимий шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Жумладан, Хоразмдаги Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонлашнинг муносабати билан Хива шаҳрини зиёрат қилди.

Меҳмон, аввало, "Хоразм вилоятида ер ва сувдан фойдаланишнинг экологик ва иқтисодий реструктуризацияси" деб номланган илмий-тадқиқот лойиҳасининг иж-

роси учун махсус ташкил этилган марказ фаолияти билан танишди. ЮНЕСКО шафелигида амалга оширилаётган бу лойиҳа доирасида Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетининг талаба ва ўқитувчилари Германиядаги Бонн университетининг Тараққиёт тадқиқотлари маркази (ZEF) олимлари билан бирга ҳамкорликда ишланган лойиҳадан кўзланган асосий мақсад - минтақа ландшафти реструктуризациясининг концепциясини ишлаб чиқишдан иборат.

Коичиро Мацуура Урганч давлат университетининг ўқитувчи ва талабалари билан учрашди. (Давоми 2-бетда)

### Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 сентябрь кун Оқсаройда ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуурани қабул қилди. Коичиро Мацуура Президентимизга ЮНЕСКОнинг «Боробур» олтин медалини топширди.

Фаргона вилояти фаолларининг навбатдаги йиғилиши воғда этмаган болалар ва ўсмирлар тарбиясига бағишланди.

“Ҳомийлар ва шифокорлар йили” дастурига мувофиқ Навоий шаҳридаги саноат корхоналари ишчи-хизматчилари ўртасида “Саломатлик” спартакиадаси бўлиб ўтди.

Ғаллаорол туманидаги Гулистон қишлоғида болалар даволанадиган санаториянинг элик ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди.

Жиззахдаги «Еросос-Карнет» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасига ҳориздан келтирилган янги жиҳозлар ўрнатилди.

Жиззах шаҳридаги Олимпия захиралари коллежиде вилот хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилот филиали ҳамкорлигида ташкил этилган бадий гимнастика бўйича мусобақа якунланди.

Маҳаллий тадбиркорлар Наманган шаҳридаги “Дўстлик” бозор мажмуини қайта қуриш ва модернизация қилиш учун икки миллиард сўмга яқин сармоя сарфлади.

Наманган шаҳар 2-Болалар ижодиёти маркази кузурдаги халқ рақси тўғрисида тарбияланувчилари «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган «Ёш раққослар» республика танловида биринчи ўринни эгаллади.

Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида иш бошлаган «STA-SAM YANG Plastik Co.LTD» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларини савдога чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Бухоро вилот бошқармаси ҳамда Россия пойтахтидаги «Я-Лайд» компанияси ҳамкорлигида Москва шаҳрида «Бухоро савдо-инвестиция уйи» қўшма корхонаси ташкил этилди.

### “Далаларни соғинаман...”


Гулмат Ҳайитметовнинг номи воҳа ахлига кўпдан таниш. Айниқса, Мустақиллик йилларида у яратган боғ-роғлар, фермер ҳўжалиги ташкил қилиб эришган муваффақиятлари, саховатли ишлари билан танилди. Мустақилликнинг 15 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармони билан Гулмат Ҳайитметов “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юксак мукофотга мушарраф бўлди.

Бу хушхабар нафақат Гулмат ака ва унинг яқинларига, балки бутун вилоят ахлига қувонч бахш этди. Бу “Ҳар бир кўни қаҳрамонлик”, деб таърифланган хоразмлик деҳқонлар учун Президентимизнинг яна бир ғамхўрлиги, катта эътиборининг ифодаси эди. Мухбиримиз Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сена-лан туманидаги “Ота” фермер бари Гулмат Ҳайитметов билан суҳбатлаш-

Авалло, кўп сонли муштарийларимиз номидан Сизни юксак унвон билан табриқлаймиз. Раҳмат, қилган меҳнатимиз Юртбошимиз томонидан эътироф этилишининг ўзи катта бахт. Биз ислохотларнинг илк босқичида турибмиз. Шундай экан, Қаҳрамонлик унвонини юрагимга ғурур, билагимга куч-қувват бахш этиш билан бирга катта масъулият ҳам юклайди.

Хушхабарни эшитишининг билан кўнглингиздан нималар кечди? Қаҳрамонлар ичида нўми борилигини эшитиб, ҳаяжонландим. Яқинларим, ер-дўстлар қувонч билан табриқладилар. Ҳаёлимга илк бор бригадирликка сайланган кезларим келди.

(Давоми 2-бетда)



### Дунё саҳнасида

### Кассагамас кассагами?

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда банклар ўзига хос ўринга эга бўлиб, уларнинг бутун фаолияти иқтисодиётда бозор ислохотларини чуқурлаштиришга йўналтирилган.


Ҳозирги кунда банклар ўз тўлов тизимини такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни қўллаш, шу жумладан, пластик карточалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб - китобларни амалга ошириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24-сентябрдаги

“Пластик карточаларда ҳисоб-китоб янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам бу борадаги амалий ишларнинг ёрқин намунаси.

Бу қарор натижасида, асосан, пластик карточалар муомалага чиқарилиб, маҳсулотлар ва хизматлар учун амалга оширилаётган нақд пулсиз тўловлар сони бугунги кунда тобора ошиб бормоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга, нақд пул сибсатини тўғри тартибга солиш ва нақдсиз пул муомаласини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Банклар томонидан муомалага чиқарилаётган карточалар сони, уларга хизмат кўрсатадиган савдо терминаллари сони кундан-кунга ошиб, ўз навбатида, савдо ва хизмат кўрсатиш, умумий оватланиш, коммунал тўловлар, ёқилги қўйиш шохобчалари томонидан савдога қабул қилинаётган карточалар сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

Лекин давлатимиз томонидан молия-банк соҳасида ўтказилаётган бу каби ислохотлар ижросига панжа орасидан қараб, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузиб, қонунбузарлик ҳолатлари содир этган банк ва савдо ходимлари кам бўлса-да, учраб турибди.

(Давоми 2-бетда)



### Ирода - Осиё чемпиони

# YETTI-YOLIMDAN BIR SHINGIL

## 5 йил аввалги хунрезлик

Америка 2001 йил 11 сентябрда содир этилган муҳим кўпуровчиликларнинг қурбонларини хотирламоқда.




Кўпуровчилик оқибатида вайрон бўлган Бутунжаҳон савдо маркази бинолари ўрнига келиб, гулчамбарлар қўяётган америкаликларнинг охири кўринмайди. 11 сентябр куни АҚШ президенти Жорж Буш ҳам воқеа жойига келиб, қурбонларни хотирлади. «Эгизак» бинолар ўрнида вақтинчалик музей ташкил этилиб, у ерда хунрезлик қурбонига айланган уч мингта яқин одамнинг сурати joyлаштирилди.

Хотирлаш маросими билан бирга Нью-Йоркда қурбонларнинг яқинлари томонидан норозилик намойишлари ҳам ўтказилмоқда. Улар ҳукуматдан яқинларнинг жасадларини талаб этишмоқда. Халқ бўлганларнинг ақсариятининг жасадлари вайронлар остида йўқ бўлиб кетган.

## “Медуза” қурбонлари

Афғонистон жанубида НАТО ва толибон ҳаракати жангчилари ўртасида қаҳшатқич тўқнашулар давом этмоқда.



NATO кучлари мамлакат жанубидаги сўнгги жангларда 90 га яқин толибончилар ўлдирилганини маълум қилмоқда. Охириги тўқнашулар Қандаҳор вилоятида юз берган. НАТО ва Афғон кучларининг жангариларни йўқ қилишга қаратилган “Медуза” операцияси бир ҳафтадан буён давом этиб келмоқда. Бу вақт мобайнида 420 нафар толибончи ўлдирилгани айтилмоқда. Толиблар кўмондони Мулло Додулло ҳалок бўлганларнинг, нари борса, ўнга яқини жангарилар, қолгани эса тинч аҳоли вакиллари эканлигини маълум қилмоқда.

## Дастлабки самарали натижа

Эрон икки ой мuddатта уранин бойитиш ишларини тўхтатиб туриши мумкин.




Венада Европа Иттифоқининг ташқи сийёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий вакили Хавьер Солана ва Эрон миллий хавфсизлик кенгаши котиби Али Ларижоний ўртасидаги учрашув якунига етди. Узро музокараларда Эрон вакили расмий Техрон ядровий дастурлар борасида бироз танаффус қилишга ва бу вақт мобайнида айрим масалаларда келишувлар олиб бориш ниятида эканлигини айтиб ўтди. Хавьер Солонанинг сўзларига кўра, бу кичик доирадаги учрашув жуда катта натижаларга эришди.

Агар Эрон рoстдан ҳам шундай қарор қабул қилса, бошқа муаммолар ҳам ечим топиши аниқ, - дейди ЕИ вакили.

## Сенаторларнинг фикри

АҚШ сенаторлари Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Хусайн “Ал-Қоида” билан алоқада бўлмаганини расман маълум қилишди.



Парламент баёнотларида айтилишича, Саддам Хусайн Бин Лодин террорчилари билан муносабат ўрнатмаган, чунки у “Ал-Қоида”ни ўзининг тузуми қушандаси, деб билган. “Шу сабабдан Ироқнинг собиқ раҳбари 11 сентябр воқеаларига алоқадор эмас”, дея ёзилган Баёнот-мада.

Саддам Хусайнга боғлиқ яна бир хабарга кўра, собиқ президент устидан олиб борилаётган суд жараёнлари узоқ мuddатдан сўнг яна иш бошлади. Бу гал Саддам ва унинг 6 нафар тарафдорлари 1987-1988 йилларда 182 минг нафар қурдларнинг оммавий қириб юборилишида айбон бўлган.

## Ташриф давом этмоқда

Буёқ Британия бош вазири Тони Блэрнинг Яқин Шарқдаги сафари давом этмоқда.



Бош вазир турнесининг навбатдаги бекати Ливан пойтахти Байрут бўлди. Бу ерда Тони Блэрнинг шаҳар аҳли яхши кайфият билан кутиб олди. Мамлакатда катта кучга эга “Хизбуллох” ташкилоти раҳбарлари бу ташрифни “Сийёсий хато”, дея баҳолашди. Уларнинг фикрига кўра, Буёқ Британия Исроилни Ливанга қарши уруш бошлаганда “қўллаб-қувватлади”, бу эса юзлаб тинч аҳоли вакиллариинг ҳалок бўлишига олиб келди. Тони Блэр Ливан бош вазири Фауд Синьор билан Ливан-Исроил музокарага чек қўйиб борасида музокара олиб боради. Бундан аввалроқ у Фаластин раҳбари Махмуд Аббос ва Исроил бош вазири Эхуд Ольмертларни учрашишга кўндирган.

## “КамАЗ” чўкди

Москвдаги Ленинград проспектининг анчагина қисмини ўйилиб, чўкиб кетди.



Натижада пойтахт метросининг “Сокол” бекатида аэро-воқзалга бўлган автоҳаракатлар тўхтатиб қўйилган. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, метронинг “Динамо” ва “Аэропорт” бекатларининг ўстки қисмидаги Ленинград проспекти бўйлаб ҳаракат қилаётган “КамАЗ” юк машинаси кутилмаганда ер остига кириб кетган. Ҳозирча 15 метр чуқурликдаги машинани чиқариб олишнинг иложи бўлмапти. Миллициянинг тахминига кўра, бир кун аввал ушбу ҳудудда ер ости таъмирлаш ишлари ўтказилган. Бу воқеада таъмирловчилар айбдор, деб ҳисобланмоқда.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 12 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	925,23	1 Польша злотийси	390,66
1 Англия фунт стерлинги	2291,76	1 СДР	1818,15
1 Дания кронаси	208,75	1 Туркия лираси	832,08
1 БАА дирҳами	334,50	1 Швейцария франки	984,98
1 АҚШ доллари	1228,56	1 ЕВРО	1557,08
1 Миср фунти	214,41	10 Жанубий Корея вони	12,84
1 Исландия кронаси	17,19	10 Япония иенаси	105,29
1 Канада доллари	1096,05	1 Россия рубли	45,91
1 Хитой юани	154,46	1 Украина гривнаси	243,28
1 Малайзия рингити	334,99		

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмурий валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Олтириқ туманидаги “Малика” хусусий корхонаси тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда меҳнат қилаётган 70 нафар ишчи-ҳодимлар томонидан тақилаётган маҳсулот сифатлиги боис республиканинг бозорларида ўз харидорларига эга.

СУРАТДА: тикувчи Наргиза Тўрақуллова. Б.АКРАМОВ олган сурат.

# “Далаларни соғинаман...”

(Боши 1-бетда)

Режани бажарган куним районимизнинг ўша пайтдаги раҳбари табрик қила туриб шундай деганди: “Ишлайвер, ўғлим, сабот, матонат билан ишла. Меҳнатинг бир куни кўксингга юдюз бўлиб қайтишига ишонаман”. “Ажабо”, дейман ўзимга ўзим. Едимдан кўтарилмаган бу сўзлар бирдангина шу пайт айтилгандек қулоғим остида жаранглади.

лигида ишлашди. Қисқаси, деҳқон оиласимиз.

— Сиз гапингиз орасида “далаларни соғинаман”, дедингиз.

— Бу соғинч менга болаликдан ҳамроҳ. Далада, пахтазор ичида катта бўлганмиз. Деҳқон боласи бўлганимизданми, меҳримиз далага пайванд. Қаерда бўлмай қишлоғим, далага бориладиган тупроқли йўллар эсимга тўшаверди. Тошкентдан қайтишим билан бир қур даки айланаман. Қанчалик ишласам, шунча ҳузурланаман.

— Эндиги режалар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Шу эл билан уним-ўсим. Яхшилар кўмагида энг олий унвонга сазовор бўлдим. Делатлар катта ишонч билдириб, Сенат аъзоллигига сайлашди. Мен вилоятимизнинг барча кишилари олдида ўзимни бурчли, деб биламан.

Туманда ва вилоятда қандай тадбирлар ўтказилса, хитилан сафида бўлишга интилам. Қишлоғимиз туманининг энг чеккасида жойлашганини назарда тутиб, “Оқ кум” маҳалласида гузар қилмоқчимиз, унда қишлоқ оқоқоллари учун Кенаш ўйи, тўйхона ва дўконлар, аҳолига тиббий, маданий, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, турли устaxonалар ва охиона барпо этишни режалаштирдик. Керакли материаллар галмлаб қўйилган. Эрта-индин иш бошланади.

— Дил истакларингиз.

— Юртимиз тинч, осмонимиз суфандоғ, Юртбошимиз омон бўлсин. Эл-юрт фаровонлиги йўлида халол меҳнат қилган саховатпеша инсонларга Яратган эгамнинг марҳамати ёғаврсин!

Сухбатдош: Холмурод ҚУРБОНОВ.

ларнинг деярли барчаси ишда қолди. Шунча йил бир қанча ишлардан қишлоқдан қимни кўз қийиб бўшатиб юборди бўлади, дейсиз. Жамоа бир тан, бир жон бўлиб ишлагани сабабли буғдойдан 55 центнердан, пахтадан 46 центнердан хирмон кўтарилди. Уттан йил 55 гектар майдонга пахта экиб, 65 миллион сўм даромад қилди. Бугдой ҳосилдорлиги 60 центнердан ошди. Деҳқончиликдан қўрилган 32 миллион сўм даромаднинг 32 миллиони соф фойдалар. Фойда ҳисобидан ишчиларнинг барчаси бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Уттан йиллар мобайнида эса “Алтай”, “Қозғистон” русумли занжирли ва 4 та чопиқ трактори, 2 та комбайн, КамАЗ автомашинаси сотиб олганмиз. Омилкорга омад ёр деганларидек, бундан бир неча йил аввал эккан теракларимизни сотишдан нақд 7 миллион сўм жамланди. Отиз (дала) четлари, ариқ бўйларидан яна шунча терегимиз ҳам бор.

— Оилангиз тўғрисида...

— Тўрт нафар ўғлим, уч нафар қизимнинг ҳаммаси уйли-жойли бўлишган. Катта ўғлим ўқитувчи, қизларим тиббиёт соҳасини танлашган. Уч ўғлим ёнимда — фермер ҳўжа-

— Фермер ҳўжалиги афзалликларини ўз жамонгиз ми-солида айтиб ўтсангиз?

— Ҳамма замонда ҳам эгаллик нарсанинг йўриғи бошқача бўлган. Ер, мулк ўзингники бўлган, жон қуйдирансан-да. 2000 йилда 90 гектар ер олиб, “Хайтиммат ота” фермер ҳўжалиги ташкил қилгандим. Аввалдан шу далаларда ишлаб келаётган-

— Мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилиши натижасида “Расул Пат” жамиятига қарашли Чирчиқ шаҳри Амир Темур шўх қўчасида жойлашган 1-сонли АЕКШда шўхобча оператори Ш.Сиддиқов томонидан савдодан тушган 1 миллион 335 минг сўм нақд пул маблағлари шўхобчага назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги аниқланди. Текшириш натижасида

АЕКШ оператори Ш.Сиддиқовнинг моддий жавобгарлигида бўлган АИ-80-сонли маркали бензин маҳсулотидан 1828 литр, АИ-93 маркали бензин маҳсулотидан 75 литр ортиқча борлиги аниқланди.

Шунингдек, жамиятга қарашли Бўстонлик тумани “Ҳазилкет” шўх қўчасида жойлашган 2-сонли АЕКШда шўхобча оператори И.Шодиев томонидан тушган 3 миллион 249,8 минг сўмлик нақд пул маблағлари шўхобчага ўрнатилган назорат машинасидан ўтказилмаганлиги аниқланди. Текшириш натижасида АЕКШ оператори И.Шодиевнинг моддий жавобгарлигида бўлган АИ-80-сонли маркали бензин маҳсулотидан 4461 литр, АИ-93 маркали бензин маҳсулотидан 181 литр қамомат ва дизел ёқилгисидан 4028 литр ортиқча ёқилги борлиги аниқланди.

Ҳозирги кунда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Азамат ЭРГАШЕВ, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси катта инспектори, 2-даражали юрист.

# Маъмун академияси кутганимдан ҳам зиёда экан

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик ишчи ривожланиб бораётганидан, ташкилот мамлакатимиздаги қатор миллий ва минтақавий пойтахтларда фаол иштирок этаётганидан маннуният билдирди.

Меҳмон яқинда минг йиллиги нишонланадиган Маъмун академиясининг бир неча илмий лабораторияси фаолияти билан танишиш, академия музейининг очилишида иштирок этди.

Маъмун академиясидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди, - деди Коичиро Мацуура. - Яхши маълумки, дунёда бундан минг йил аввал пайдо бўлган олимлар ҳамжамияти шундай — Маъмун академияси, деб аталган. Бугун Ўзбекистонда фаолият юритаётган

замонавий илмий марказ ҳам шундай аталади. Ундаги тадқиқотлар порлоқ келажак сари йўналтирилган. Бу марказ ҳам қадимий аъёналарни, ҳам ҳозирги замон илм-фани ютуқларини изчил давом эттирмоқда. Унинг минг йиллик шонли тўйини нишонлашда ЮНЕСКО ҳам иштирок этаётганидан биз фахрланамиз.

ЮНЕСКО Бош директори Ичан қальани ҳаяжон билан томоша қилди.

Коичиро Мацуура Самарқандда ҳам бўлди. У аввал Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди. Регистон мажмуи, Бибиҳоним масжиди, Сиеб бозори, Ҳазрати Хизр масжидига борди. ЮНЕСКО Бош директорида Шох Зинда мажмуида олиб борилган бунёдкорлик ишлари, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон раҳбари Ислоҳ Каримов раҳбарлигида юртингизда қадимий обидалар, муқаддас қадимчиларни кўз қорачиқидан асраш ва келгуси авлодларга етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бизни жуда қувонтирди, - деди Коичиро Мацуура. - Тошкент, Хива ва Самарқандда бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдим. Айниқса, Шох Зинда мажмуида амалга оширилган таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари улуг ва бунёдкорлик меросига улкан эҳтиром намунасидир. Бу қадим шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейида ЮНЕСКО вакиллари ҳам фаол иштирок этади.

Т.ШАМАКОВ, А.ҚАРШИЕВ, ЎЗА мухбирлари.

## Туркиялик тадбиркорлар тақлифи

Ҳар йили Туркияда “Харидорлар ҳайъати” деб номланган халқаро кўргазма ўтказилади. Туркиялик ишбилармонлар шу йил 21-25 ноябрда мазкур кўргазма олдидан бўладиган “Савдо гурӯҳи” номли тадбирга ўзбекистонлик тадбиркорларни тақлиф этишди.

Халқаро кўргазмани ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад - элиқандан зиёд мамлакатдан келадиган тадбиркорларга ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун қулай шароит ярати беришдан иборатдир.

Шунингдек, ноябр ойининг охирида Туркия ташқи савдо департаменти ва “Орта Анadolу” экспортчилар иттифоқи, мустақил саноатчилар, тадбиркорлар уюшмаси, яна бир неча нуфузли ташкилотлар ҳамкорлигида халқаро кўргазма ўтказилади.

Истамбулда ўтадиган анжуманда қатнашиш истагида бўлган тадбиркорлар Туркиянинг

Ўзбекистондаги элчионасига мурожаат қила бошлади.

## Компаниялар ўртасидаги шериклик

“Марказий Осиёда лизинг” деб номланган халқаро анжуманида Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси билан Туркиянинг “Dinamo transind and consultancy services Ltd Co” компанияси, Покистоннинг “Orix leasing Pakistan Ltd” компанияси ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги келишув имзоланди.

Иш ҳужжатларида мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш, тажриба алмашиш, лизинг қонунчилиги ҳақида тўпаланган билим ва тажрибалар хусусида ахборот алмашиш, ҳамкорликда анжуман ҳамда семинарлар ўтказиш қайд этилган.

Келишувдан асосий мақсад лизинг саноатини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш, тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишдир.

“Туркистон-пресс”

## Қисқа сатрларда

### Ёшлар фестивали

Навоий вилояти Навбахор тумани марказида ўтказилган Ёшлар фестивалида Республика кўргазма театри ижодкорлари томонидан тақдим этилган томошалар барчага манзур бўлди.

Баҳриддин САДРИДИНОВ Тўёна

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан янги-янги бинолар, иншоотлар шаҳар кўрғига кўрк бағишламоқда. Ана шундай иншоотлар сафига яқинда шаҳардаги 37-мактаб ҳам қўшилди. 125 кунда қад ростлаган ушбу 945 ўринли мактабда 50 ўринли охиона, 250 ўринли мажлислар зали ҳам ўқувчилар истиёрига топширилди.

### Баҳриддин ХОЛМАТОВ Янги мактаб

Зарбдор туманининг Навоий маҳалласида мустақиллик байрами арафасида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

— 1929 йилда қурилган бино аллақонда эскириб қолган, пол ва деворлари нураб кетганди, - дейди мазкур Абдухамид Чўлпон номи 2-мактаб директори Пардақул Ҳамроқуллов. - Жорий йилнинг баҳорида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. “Элдоржон Шароф ўли” қурилиш фирмаси бунёдкорлари 365 ўринга мўлжалланган, кенг ва ёруғ, ҳамма қўлайликларга эга бўлган замонавий мактаб биносини барпо этишди, қурилиш ишларига 270 миллион сўм маблағ сарфланди.

Сайдулло ҚОЗОҚБОВ

# Акцизсиз тамакига йўл йўқ!

Қашаңдалик бугунга келиб инсоният саломатлигига хавф солувчи жиддий омилга айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг маълумотиға қарағанда, ер юзидә 2 миллиардга яқин одам кашаңдаликка гирифтор бўлган.

Ўзбекистонда ҳам кечувчилар сони оз эмас, афсуски, юртимизда кечкининг зарари хусусида олиб борилаётган тағрибот-ташвиқот ишлари ва қўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан уларнинг сони охиб бормоқда. Албатта, бунинг бир қанча омиллари маъмув бўлиб, улардан бири айрим қонунбузарлар томонидан юртимизга контрабанда йўли билан олиб келинаётган сифатига умуман қаролат бўлмаган тамаки маҳсулотларининг ички истеъмол бозоридә сотишга бўлган уринишидир.

Аммо бу каби уринишлар иқтисодий хавфсизлик ҳимоячилари ҳисоб-ламоҳимлари пақка чиқарилган, жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомидә соҳа ҳодимлари томонидан 188 та ҳолатда умумий қиймати 158 миллион 509,9 минг сўмлик 385 минг 936 қути тамаки маҳсулотларининг ички истеъмол бозорига кириб келишининг олди олиниши ҳам сўзимиз тасдиқидир.

Шу каби ҳолатлардан бири яқинда Наманган вилояти божхона бошқармаси ҳодимлари томонидан аниқланди. Республикаликлар фуқароси Р.Менгазиев бошқарувида бўлган “КамАЗ-53212” русумли автомашина “Сайрам” чегара назорат мақсидида тўхтатилиб, текширилди. Текширув жараёнида маълум бўлдики, автомашина юқонасида 8 хил номдаги умумий қиймати 55 360 500 сўмлик товарлар ҳамда юқона олд қисмидаги махсус ажратилган хуфия жойга беркитилган, хорижда ишлаб чиқарилган нархи 33 миллион 750 минг сўмлик 75



000 қути “Pine lights” номи Ўзбекистон Республикаси акциз марказлари билан таъминланган сигаретлар маҳсулотлари ҳеч қандай ҳужжатларсиз Навоий шаҳрига олиб кетилаётган экан.

Поп туман судининг ҳукми билан фуқаро Р.Менгазиевга тегишли бўлган 21,6 миллион сўмлик товарлар давлат эгаллигига ўтказилди ва 33,7 миллион сўмлик сигареталар йўқ қилинди.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолат, Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ҳодимлари томонидан бошқа ҳудудни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида аниқланди. Олинган теъвор маълумотларга кўра, Гулистон шаҳри, Беруний қўчасида жойлашган юртдошимиз Эркин Бозорбўева тегишли хонадон қонунчилиқда белгиланган тартибда кўздан кечирилганда умумий нархи 16 миллион 802 минг 900 сўмлик 38 950 қути тамаки ва бошқа турдаги товарлар сақланаётганлиги аниқланди.

Ушбу маҳсулотлар Тожикистон Республикасидан ноқонуний олиб қилинганлиги аён бўлди.

Шу ҳолат юзасидан вилоят божхона бошқармаси ҳодимлари томонидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳужжатлар прокуратура идораларига юборилди. Суднинг ҳукмига кўра, фуқаро Э.Бозорбўевага нисбатан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари белгилиниб, тамаки маҳсулотлари қонуний равишда йўқ қилинди.

Ижтимоий фойдалар меҳнат билан шугулланиш ўрнига, ноқонуний даромад ортдан қувиш натижасида бугунги кунда пушаймон чекаётган ушбу «тадбиркор»ларнинг эндиғи афсусланишларидан бирор наф чиқармакми?

Н.САЛОМОВ, ДБК Матбуот хизмати ҳодими.

# Кассагамас қиссагами?

(Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда, пул-кредит сисемини амалга ошириш ва ноқонуний нақд пул айланмаларининг банкдан ташқарида айланмаларининг олдини олиш борасида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ноқонуний нақд пул айланмалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартафаз этиш борасида олиб бориладиган тадбирлар натижасида 70 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 49 та ҳолатда жиноий, 21 та ҳолатда маъмурий ишлар қўзғатилди. Мазкур ҳолатлар юзасидан 8 миллиардга яқин ноқонуний нақд пул айланмалари аниқланди.

Яқинда бошқарма ҳодимлари томонидан Чирчиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган “Расул Пат” маъсулияти чекланган жамиятга қарашли 1-сонли автомобильларга ёқилги қуйиш шўхобчасида таҳлилий текшириш ўтказилди.



Республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўзига хос тадбирлар уюштирилмоқда. Уларнинг асосий мавзуси мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда республиканинг фан ва технологиялар, таълим, ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, оғир ва енгил саноат, хуллас барча иқтисодий соҳаларига янги технологияларни татбиқ этган ҳолда эришилган ютуқларига ва соҳалардаги айрим муаммоларини ҳал этишга қаратилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Шундай тадбирлардан бири Гулистон давлат университетиди ташкил этилди. Бу ерда Республика миқёсида биринчи марта "Шўрланган ерларни тиклаш технологиялари" мавзусидаги кўргазма ва "Мирзаҷўл шароитида қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш" мавзусидаги форум бўлиб ўтди.

Ушбу кўргазма ва форум Республика Президентининг "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифаларнинг амалда бажариб келиниши ҳамда илмий-тадқиқотлар асосидаги фан ва техника ютуқларининг амалиётга татбиқи масалаларини ўз ичига олган, - деди Гулистон Давлат Университети ректори профессор Улугбек Тоқенов. - Мазкур кўргазма ва форумни ташкил этишнинг асосий мақсади, Республикада аграр секторини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигига фойдаланиш келинаётган экин майдонларининг шўрланган даражаси орттириш натижасида ҳосилдорликнинг камайиши кетиши ҳолатининг олдини олиш бўйича илмий асосда ишлаб чиқилган янги агротехнологияларни қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ташкилотлар ва фермерларга намойиш этишдан иборат бўлди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори Абдушукр Хоназаров, вазир ўринбосари Шавкат Хамраев, вилоят ҳўкимии Абдурахим Жалолов, Урта Осиё ва кавказorti минтақаси халқаро Қишлоқ ҳўжалиги тадқиқотлари муносабатиди гурӯҳи раҳбари, Гулистон Давлат Университети фахрий профессори Раж Парода, захира-

си қишлоқ ҳўжалиги ҳосилдорлигига таъсир этувчи энг асосий муаммолардан ҳисобланади. Бу муаммолар устида олимлар ҳам, амалиётчилар ҳам, фермерлар ҳам биргаликда ҳаракат қилаёпти. Ўйлаётганимиз, бугунги анжуман шўрланган ерлар муаммосини ечиш, шўр ювиш йўлида катта ёрдам бўлади. Янги технологиялар техникалар билан танишиш уларга фойда келтиради, ҳамкорликни кучайтиради.

Кўргазмада қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги тадқиқот олиб борувчи Халқаро ва

тадқиқот марказлари мутахассис - олимларининг иштирокида "Мирзаҷўл шароитида қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш" мавзусидаги форум ўтказилди.

Форум Гулистон Давлат Университети олимлари, Мирзаҷўл шароитида фаолият кўрсатаётган етук мутахассислар, юқорида қайд этилган ИКАРДА, ИВМИ, ИКБА, ЮНЕСКО халқаро ташкилотларида фаолият кўрсатган 20 га яқин дунёга танили, етук олимлар Эндрю Нобел (Австралия), академик Мехлис Сулаймонов (Қозғоғистон)



Ирода - Осиё чемпиони

Тошкент теннис маркази кортларида навбатдаги Осиё чемпиони бахшалик баҳсларида Ирода Тўлаганова бош совринга эгалик қилди.

Хал қилувчи баҳса ярим финалда Оқул Омонмуродовани мағлубиятга уратган турининг биринчи рақамли ракетка устаси Хитой-тайпейлик Юнг Жанг Чанга қарши қорғта чиққан теннисчимиз қайсидаир маънода ватандоши мағлубияти аламини олди ва фаолияти давомида биринчи бор "Осиё чемпиони" деган шарафли номига сазовор бўлди.

Эркаклар ўртасида яқалик беллашувлари финалида ҳам ўзбекистонлик теннисчи иштирок этди. Афсуски, ўтган йил чемпиони қўлга киритган Денис Истомин ва сафар япониялик рақиб Го Соедога имкониётни бой берди.

Аёллар ўртасидаги жуфтлик беллашувлари финалида Хитой-тайпейлик ракетка устаслари Чжа Юнг Чаунг ва Юнг Ян Чанлар галаба қозонишган бўлса, эркаклар ўртасида ҳамюртларимиз Денис Истомин ва Мурод Иноятовларини ҳеч қандай рақиблар тўхтаб қолмади. Улар финалда қозғоғистонлик Алексей Кедрок ва хиндистонлик Мустата Гхош тандемини қорддан "хафа қилиб" чиқариб юборишди.

Шу тарихда бешинчи бор мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган китъа чемпиониати ўз якунига етди. Бир вақтлар Аёллар теннис ассоциацияси рейтинг рўйхатида 16-поғонага кўтарилиб олган Ирода Тўлаганова энди 2007 йил январ ойида Мельбурн (Австралия) шаҳрида ўтказилган "Australian Open" да иштирок этди. "Катта Дубайга" туркумига кирувчи йилнинг илк мусобақасида ҳамюртчимизга омад тилаймиз.

"Насаф" "Пахтакор" га яқинлашмоқда Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиониати олий лига жамоалари 23-тур учрашувларини ўтказишди. Турнинг марказий ўйини Муборак шаҳрида бўлиб ўтди. Унда маҳаллий "Машъал" клуби Фарғонанинг "Нефтчи"сига қарши тўп сурди.

Кескин курашлар остида ўтган ўйин тақдирини Камол Мурзоев ("Машъал")нинг ягона аниқ зарбаси ҳал қилди. "Нефтчи"нинг ушбу мағлубияти "Насаф"га кўл келди ва қаршилиқлар ва факс аппаратлари каби жиҳозлар совға қилинди.

Шошурод ХОЛМУРОДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Утерьяный диплом № 020642 (рег. № 6621), выданный 07.03.2001 г. медицинским училищем имени Боровского на имя Бескровной Татьяны Юрьевны, считать действительным.

ЧП "INTRAKO-S" объявляет о преобразовании в ООО "INTRAKO-S" и об увеличении Уставного фонда с 79 246 000 сум на 80 038 460 сум.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида жойлашган "Спиритли ичимликлар билан улгуржи ва чакана савдо қилишга ихтисослашган корхоналар уюшмаси" 2006 йил 11 сентябрдан тугатилди. Даволаш ёшлон чоп этилган қўндам баълаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 144-11-21, 144-18-15.

Фан ва амалиёт ҳамкорлиги

ган сувлар билан сугориш, биодренаж, ернинг шўрланганини текшириш, ерни биринчи мартаба қайта ишлаш, лазер ускуналар ёрдамида ер текислаш, экин дисперсификацияси ва бошқа технологиялар намойиш этилди.

Сўзга чиққанлар бу анжуманинг Сирдарё вилоятида ўтказилаётганлиги бежиз эмаслигини вилоятда чўлни комплекс ўзлаштириш соҳасида бой тажриба тўпланганлигини, ерларни мелiorациялаш, шўрнини қониритиш бўйича ҳўкумат томонидан катта ёрдам берилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шу боис вилоят йилдан-йилга иқтисодини тиклаб бораёпти. Фан ва амалиёт соҳасининг мустаҳкам ҳамкорлиги яқши самара беради.

Менинг фикримча бу кўргазма жуда вақтида ўтказилапти, - деди Раж Парода. Чўнки Ўзбекистон озиқовқат мустақиллиги ҳамда пахта, бугдой этиштириш бўйича юқори ҳосилдорликка эришиш. Бунда Ўзбекистон ҳўкумати фермерчиликни ривожлантиришга, хусусийлаштириш, экин турларини кўпайтириш, янги навларни яратишга катта эътибор бераёпти. Аммо Мирзаҷўл ҳудудида шўрланган ерлар муаммо-

Республика марказлари, Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Қирғизистон тадқиқот муассасалари ва лойиҳалар, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тадқиқот олиб борувчи халқаро маслаҳат гуруҳлари маркази (CGIAR), ЭКОСАН халқаро ташкилоти, сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWMI), кўроқчил ерларда қишлоқ ҳўжалик тадқиқотлари ўтказувчи халқаро марказ (ICARDA), шўрланган ерларда биологик услуб ёрдамида қишлоқ ҳўжалигини юртувчи халқаро марказ (ICBA), Урта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти (УОИИТИ), Тошкент ирригация ва мелiorация институти, Тошкент давлат аграр университети ҳамда кўплаб бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг мутахассис - олимларидан иборат 600 нафардан ортқ иштирокчилари қатнашди.

Кўргазмадан сўнг ташкилотчилар ва иштирокчилар янги технологияларни қўллаганда, ерни қайта тиклаш, ишлаб беришда илгор усулларни ёйишда келиб чиқадиган муаммолар юзасидан муносабатлар олиб бордилар. Тадбирнинг иккинчи қўнида Республика ва Халқаро

ИКАРДА), Херет Мантритилаки (Шри Ланка-ИВМИ), Джон Ламерс (Германия-ЮНЕСКО), Г.Сингх (Хиндистон-ИКАРДА), Кристина Тодори (ИКАБ) ва бошқалар иштирок этишди. Форум юқори илмий савияда ўтказилиб, унда Мирзаҷўл шароитида қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш масалалари кенг муносабатлар асосида муҳокама этилди. Форум сўнггида Мирзаҷўл шароитида қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда "Юқори шўрланган шароитида яшайётган қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яқшилаш" мавзусидаги лойиҳа асосида ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришга келишилди.

Форумда муҳокама қилинган асосий масалалар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланаётган ерларнинг ҳолатини яқшилаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини кучайтириш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш каби долзарб мавзуларда бўлиб ўтди. Форум якунида Мирзаҷўл ҳудудидаги қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолининг иқтисодий шарт-шароитларини яқшилашга оид грант лойиҳаси-

Қаҳқалар томонлари

Янги ҳосил қайта ишланмоқда "Беҳкент пахта тозалаш" очик акциядорлик жамиятида туман далаларида этиштирилган янги ҳосил қайта ишлан бошланди.

Толачилар тумандаги 703 та фермер ҳўжалиги билан шартнома тузиб, улар тайёрлаган 26588 тонна пахтаини қабул қилиш ва сифатли қайта ишлашни зиммаларига олишган. Айни вақтда хирмонга тушайётган пахтаини қайта ишлаш, сифатли, жаҳон стандарти талабига мос тола тайёрлашга киришилди.

Кредит ажратилди

Нишон тумани ҳўкимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими бандлик жамғармаси ҳисобидан кам таъминланган оилаларга 25 миллион сўм кредит ажратди.

Шунингдек, бандлик жамғармаси маблағидан 1,4 миллион сўмлик имтиёзли кредит оилавий тадбиркорлик учун берилади. Бу мақсад учун 5 та лойиҳа тайёрланмоқда. Бўлим йил охиригача молиялаштириётган кредит миқдорини 35 миллион сўмга етказишни мўлжалламоқда.

Кичкинтойлар беллашуви

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Омад кубоги" мусобақасини ўтказишди.

Кичкинтойлар 30 метрга югуриш, узунликка сакраш, бадий гимнастика, велосипед пойғаси, шохмот-шашка каби спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Умумжамоа ҳисобида Қарши шаҳри жажжи спортчилари голибликни эгалладилар. Кейинги ўринлар Шаҳрисабз ва мубораклик кичкинтойларга насиб этди.

Фахридан БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Ўзбекистоннинг йуриқ ва универсал банкларида ХАЛҚ БАНКИ

Мижозларга 20 га яқин жозибатор омонат турларини жорий этган ҳолда пахта йиғим-теримда иштирок этаётган ҳамюртларимизга янги "ТАДБИР" -1000

Жамғарилувчи омонат турини таклиф этади.

Омонат турига пул маблағлари 3 ой муддатга, қўшимча бадал қабул қилиш ва йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан камида 20 000 сўм миқдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

ОИЛАНГИЗ БАНКИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИАТ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Тошкент шаҳар Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан "Қамол-Шаҳр" МНЖга берилган Тошкент шаҳар Корусув-2 мавзесидидаги Шамс кўчаси 47-уйда жойлашган қўндамта бериладиган ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар Корусув-1 мавзесидидаги Хамраев кўчаси 42-Б-уйда жойлашган "Ун цент" га берилган ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Енгил саноат касб-хўнар коллежи (собиқ 19-касб-хўнар мактаби) томонидан 2002 йили Абдураҳмонова Зулфия Абдуасаторонова номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАХРИР ҲАЙАТИ: Саид АҲМАД, Агитай АДИЛОВ, Уктам БАРНОЕВ, Фахридан КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ШЕРИМОВ, Фафур ТЕМЕРМУАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграр саноат комплекси таркибидидаги ҳамда шу тармоқдаги дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА! РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ДАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬУТЕРИ - AVTODOM PLUS

Маҳсулотлар сертификатланган